

Ўзбекистон Президенти Россия молия вазирини қабул қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 март куни икки томонлама идораларо маслаҳатлашувлар ўтказиш учун мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси молия вазири Антон Силуановни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, олий даражадаги мунтазам учрашувлар ва мулоқотлар, эришилган келишувлар ва қабул қилинган битимларни амалга оширилаётгани мамлакатларимиз ўртасида стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, қўп қиррали, шу жумладан, молиявий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда икки мамлакат молия вазирларни ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил апрель ойида Россия Федерациясига давлат ташрифи чоғида имзоланган Ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум доирасида яқин ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди.

Хусусан, юқори тоифада ва эксперталар даражасида икки томонлама тадбирлар ўтказилмоқда, илгор тажриба ва ахборот алмашиш борасида фаол иш олиб борилмоқда, қўшма дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Учрашувда молиявий соҳадаги самарали мулоқотни янада ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Молия, солик ва божхона органларини модернизация қилиш, бюджетни режалаштириш, маҳаллий бюджетлар мутаносиблигига эришиш, молиявий назорат бўйича самарали механизmlарни такомиллаштириш ва бошқа йўналишлар бўйича илгор тажриба, технологиялар ва билимларни жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Кўшма лойиҳаларни молиялаштириш, Россиянинг етакчи таълим муассасалари негизида соҳа учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида ҳамкорлик имкониятлари мухокама қилинди.

Россия молия вазири давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Ҳукумати Раиси Дмитрий Медведевнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Антон Силуанов Россия мамлакатларимиз ўртасида молиявий соҳадаги кенг кўламли ва

ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришдан манфаатдорлиги, бу борадаги шерикликни давом эттиришга тайёрлигини билдириди.

Манба: president.uz